Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “ 3 ” март даги 167 -сон
қарорига 1-илова

Жиззах вилояти Пахтакор туманида 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этиш чора-тадбирлари

ДАСТУРИ

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
I. Фермер хўжаликларининг молиявий холатини таҳлил қилиш ҳамда ердан самарали фойдаланишда уларнинг масъулиятини ошириш				
1	Тумандаги 335 та фермер хўжаликлари давлатга пахта сотиш шартномавий мажбуриятларини бажармаслиги натижасида режадан 8133 тонна кам пахта ҳосили етиштирилган. Шундан: туман ҳокими сектори ҳудудида 96 та фермер хўжаликларида 2229 тонна; туман прокурори сектори ҳудудида 53 та фермер хўжаликларида 1247 тонна; туман Ички ишлар бўлими сектори ҳудудидаги 163 та фермер хўжаликларида 4036 тонна; туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи сектори ҳудудида 23 та фермер хўжаликларида 620 тоннани ташкил этади.	1. Ишчи гуруҳи томонидан 2017 йилни зарар билан якунлаган фермер хўжаликларининг фаолиятини таҳлил қилиб, натижаси юзасидан хулосалар тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритиш; самарасиз фаолият юритган фермер хўжаликларининг фаолиятини тугатиш, улар билан тузилган ер ижара шартномасини белгиланган тартибда бекор қилиш; ер ижара шартномалари бекор қилинган фермер хўжаликлари ерларини қайта лойиҳалаш ва танлов асосида ҳақиқий ер эгасини топиш.	2018 йил март	Жиззах вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Адлия бошқармаси
	Ўтган йилларда туманда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш ишлари ўз самарасини бермаган. Айрим ҳолларда бир шахс томонидан бир неча фермер хўжалигини бошқариш амалиёти мавжуд.	2. Келгусида бир шахс томонидан икки ва ундан ортиқ фермер хўжалигини бошқаришига чек қўйиш.	2018 йил I чорак	

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
II. Агротехника тадбирларини ўтказишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда амалга ошириладиган вазифалар				
2	Ғўзани балл бонитети паст (37-40), сув билан етарли таъминламаган ерларга (21-25 ц/га) жойлаштириш оқибатида 2690 гектар майдондан бор йўғи 12 центнердан ҳосил олинган ва ҳар гектардан ўртача 0,85 млн. сўм зарар кўрилган.	Туман фермер хўжаликлари кесимида 2018 йил хосили учун ғўза парваришида агротехника тадбирларини ўз муддатида ва сифатли ўтказиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва бажарилишини доимий назорат қилиш.	2018 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
III. 2018 йилда амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация тадбирлари				
3	Мелиоратив ҳолати оғир бўлган 1213 гектар майдонда чигит экиш тадбирлари кечиктирилгани оқибатида 1700 тонна пахта ҳосили йўқотилган.	Мелиорация жамғармаси ҳисобидан 11,5 км. коллектор-дренаж тармоқларини реконструкция қилиш, 170,3 км. коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишларини амалга ошириш.	2018 йил II чорак	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги
4	Туманда 28,7 км суғориш тармоқларининг (лотоклар) яроқсиз ҳолатга ва 28,4 км ички каналларнинг таъмирталаб ҳолатга келганлиги сабабли 42 та фермер хўжалигининг 1305 гектар ғўза майдонлари сув билан етарлича таъминланмагани оқибатида 1540 тонна кам ҳосил олинган.	Марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидан 1 км. суғориш каналларини, 6,4 км. суғориш лотокларини қуриш ва реконструкция қилиш; сув хўжалиги эксплутация маблағлари ҳисобидан 13 км. суғориш тармоқларини тозалаш, 1 та насос агрегатини таъмирлаш; сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобидан 54 км. суғориш тармоқларини тозалаш, 8 та насос агрегатларини таъмирлаш ишларини	2018 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Зарафшон-Сирдарё Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туманнинг 4 та сектор раҳбарлари

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		амалга ошириш.		
5	Ғўза зараркунандалари ва ҳашоратларига қарши курашиш ишлари тўғри ташкил этилмагани оқибатида 68 та фермер хўжалигининг 804 гектар майдони ўргимчаккана ва кўсак қурти билан зарарлангани сабабли 710 тонна ҳосил йўқотилган.	"Агрокимёҳимоя" ҲАЖ қошида қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларга қарши мавсумий кураш ишларини ўз муддатида сифатли амалга ошириш, деҳқон, фермер хўжаликларини мунтазам равишда зарурий кимёвий воситалар, жиҳозлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида "Агрокимёҳимоя" ҲАЖда махсус "Кимёвий воситалар заҳираси"ни яратиш; ғўза майдонлари атрофида бегона ўтларни, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш. Зараркунандалар аниқланганда профилактик ишловларни ўтказиш ҳамда ўргимчакканага қарши оҳак ва олтингугурт қайнатмаси билан ғўза майдонларига профилактик ишлов бериш; кимёвий ишловларни тизимли ташкил этиш. Бунда: биринчи ишловни гекситиазокс асосли препаратлар билан, иккинчи ишловни пропаргит асосли препаратлар билан, кўсак қурти билан бирга аниқланганда комплекс таъсир қилувчи препаратлар билан ўтказиш; кўсак қуртига қарши белгиланган регламентлар асосида биологик усулда	2018 йил II чорак	"Ўзагрокимёҳимоя" АЖ, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги бошқармаси

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		ишловларни амалга ошириш; ҳар юз тўп ғўзага зараркунандалар сони 8-10 тадан ошганда эммамектин бензоат асосида препаратлар билан ишлов ўтказиш; ўргимчакканани кенг майдонларга тарқалиб кетишини олдини олиш учун ғўзани чанқатиб қўймаслик, кўсак қуртини тарқалиб кетишини олдини олиш учун ғўзани кўчат сонини қалин қўймаслик, ғовлатиб қўймаслик, чеканкани сифатли ўтказиш.		
IV. Фермер хўжаликларини янги замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш				
6	Туманда 46 та юқори унумли ҳайдов тракторларидан 12 таси таъмирталаб, шунингдек, 20 та чопиқ тракторлари, 28 та ҳайдов тракторлари, 22 та культиваторлар етишмаслиги оқибатида 1 300 гектар майдонда шудгор ва 2250 гектар майдонда ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиқлантириш тадбирлари кечиктирилиб сифатсиз ўтказилган.	1. Тумандаги “Агросервис МТП” МЧЖ балансида мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, эскирганларини ҳисобдан чиқариш. 2. “Агросервис МТП” МЧЖга лизинг асосида: 18 та юқори унумли ҳайдов тракторалари; фермер хўжаликлари томонидан: 20 та чопиқ трактори; 22 культиватор; 12 та чигит экиш сеялкаларини сотиб олиш.	2018 йил март 2018 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ ҳамда “Ўздавтехназорат” инспекцияси, “Ўзагролизинг” АЖ, Жиззах вилояти ҳокимлиги

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
V. 2018 йилда фермер хўжаликлари томонидан мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад олиш чора-тадбирлари				
7	Туманда фермер хўжаликлари томонидан кузги бошоқли дон экинлари дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларига экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари тўлиқ жойлаштирилмай қолмоқда.	Туман бўйича 449 та фермер хўжаликларида 13500 гектар кузги бошоқли дон экинлари дала четларига 67,4 п.км да қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштиришни ташкил этиш. Шундан, кўк пиёз 19 п.км, карам 8 п.км, картошка 27 п.км ва 14 п.км дуккакли экинлар экилишини ташкил этиш.	2018 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, туманниг 4 та сектор раҳбарлари
8	Туманда фермер хўжаликлари томонидан ғўза майдонлари дала четлари ҳамда суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари бўйларига экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари экиш ишлари қониқарсиз аҳволда.	Туман бўйича 450 та фермер хўжаликларида 679 та контурга экилган 11 900 гектар ғўза майдонлари дала четларига 67,5 п.км да қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштиришни ташкил этиш. Шундан: ошқовоқ 33 п.км, маккажўхори 2 п.км, аччиқ қалампир 2 п.км, булғор қалампири 2 п.км, помидор 6 п.км, боқлажон 2 п.км ва 21 п.км дуккакли экинлар экилишини ташкил этиш.	2018 йил I чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, туманниг 4 та сектор раҳбарлари
9	Туманда фермер хўжаликлари томонидан экин майдонларидан ташқаридаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерларда енгил констуркцияли ва кам харажатли дала шийпонлари, иссиқхоналар ташкил этиш ҳамда дала шийпонларида соғин сигир, парранда ва асалари уялари боқишни ташкил этиш ишлари қониқарсиз аҳволда.	Жами 113 та енгил конструкцияли дала шийпонлари қуришни ташкил этиш; 131 та фермер хўжаликларида 1 сотихли арзон 1,32 гектарда иссиқхоналар ташкил этиш; 78 та фермер хўжаликларида 50 бошдан жами 3,9 минг бош парранда боқишни ташкил этиш;	2018 йил II чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, туманнинг 4 та сектор раҳбарлари

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
		71 та фермер хўжаликларда 1 бошдан 71 та соғин сигирлар боқиш; 152 та фермер хўжаликларининг ҳар бирида 5 қутидан жами 760 қути асалари уяси боқишни ташкил этиш.		
10	2018 йил бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экинларни экиш етарли даражада ташкил этилмаган.	2018 йил бошоқли дон экинларидан бўшаган 10800 гектар майдонларнинг, 150 гектарида сабзавот, 3 гектарида картошка, 302 гектарида полиз, 150 гектарида соя, 200 гектарида кунгабоқар, 9 776 гектарида дуккакли, 219 гектарида озуқа экинлар экишни ташкил этиш.	2018 йил III чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агро банк” АТБ, Жиззах вилояти ҳокимлиги, туманниг 4 та сектор раҳбарлари
11	2017 йил 1 декабрь ҳолатига тумандаги фермер хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар олдидаги кредитор қарздорлиги 17,5 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 9,7 млрд. сўмга кўпайишига йўл қўйилган.	Шартномалар тузилиши, фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатилиши ва маҳсулот етказиб бериш ҳамда мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида: фермерлар кесимида “Сарф-ҳаражатлар ва ҳисоб-китоб мониторинги” ҳамда “Агротехника тадбирларини бажариш технологик картаси”ни электрон онлайн тизимини жорий этиш орқали “Мониторинг маркази” фаолиятини янада такомиллаштириш; ҳар бир ҳудуднинг алоҳида контурлар кесимида табиий шароити, тупроқнинг механик таркиби, балл бонитети ва рельефи бўйича ерни табақалаштириш (“паспортизация”)ни ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этиш.	2018 йил II чорак 2018 йил апрель	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ, Тошкент давлат аграр университети, Жиззах вилояти ҳокимлиги,

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
12	Ҳар ойда камида бир мартадан ўтказилиши лозим бўлган халк депутатлари Зарбдор тумани Кенгашининг фаолияти суст даражада олиб борилган.	"Ой болта" тизимида халқ депутатлари туман Кенгашининг ҳар ойда камида 1 марта йиғилиши ўтказилишини таъминлаш. Бунда: фермер хўжаликларининг молиявий аҳволи таҳлилини бориши, ер ижара шартномаси шартларини бажарилиши, хизмат кўрсатувчи ва маҳсулот етказиб берувчи корхоналар бўйича алоҳида муҳокама қилиш.	2018 йил IV чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Жиззах вилояти ҳокимлиги